



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 22 октябрь, № 215 (8838)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — «Green University»да бўлди.



Илгари бу соҳада яхлит олий таълим даргоҳи йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 майдаги қарори асосида ташкил этилган мазкур университетда замонавий экологик йўналишлар қамраб олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш чоралари қўрилмоқда. Маълумки, бу иқлим ўзгаришлари, сув ва энергетика софлиги, соғлиқ, таълим, ис-

теъмол ва ишлаб чиқариш каби 17 та фаровонлик вазифасини қамраб олган бўлиб, улар кўп жиҳатдан кадрлар малакасига боғлиқ. Шу боис университетда атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, атроф-муҳит ва

иқтисодиёт, экология ва давлат бошқаруви, барқарор ривожланиш, барқарор молия, экология ҳуқуқи, атроф-муҳит соҳасида оммавий коммуникациялар йўналишлари очилган. 450 ўринга мўлжалланган

ўқув биноси таъмирланиб, замонавий шароитлар яратилган. Хоналар соҳага доир анжомлар, компьютерлар ва сунъий интеллект ускуналари билан жиҳозланган. Таълим инглиз тилида олиб борилади. Бунинг учун АҚШ, Буюк Британия, Мексика ва Франциядан чет эллик ўқитувчилар ҳам жалб этилган.

Президент университет мутахассислари ва талабалари билан суҳбатлашди. — Ҳозир экология ҳудди рақамли технологиялардек долзарб. Келажақда ҳамма соҳа атроф-муҳит билан ҳамоҳанг бўлади. Шунинг учун бу ерда экологик иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишлар ташкил этилди. Энди дуал таълимни кенгайтириб, бу ердаги билимларни тезроқ жойларда татбиқ қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга экология соҳасида қуйи бўғин кадрларини тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятда техникумлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Университетда хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва касбий таъриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўқув дастурлари улар билан ҳамкорликда, “фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси”

тамоийли асосида ишлаб чиқилган.

Замонавий лаборатория талабаларни илмга жалб этиш, тажрибасини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Унда ер, сув, биохилмаҳиллик ва чиқинди намуналари ҳар хил муҳитда текширилиб, илмий хулосалар берилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лабораторияни ҳам кўздан кечирди.

— Бу ерда илмий салоҳият, зарур ускуналар бор. Бундан самарали фойдаланиш керак. Масалан, ер-сув шароитлари оғир туманлар бўйича шартнома асосида таҳлиллар ўтказиш мумкин. Бу икки томонлама манфаатли бўлади, — деди Президент.

Муассасада фанлараро тадқиқотлар қилиш, инновацион педагогик услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ва амалий билимларни интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўқув жараёни “Hub and Spoke” тамойили асосида ташкил этилган. Бу яхлит ўқув тизимини яратиш, ресурсларни оптимallasтириш, талабалар ва мутахассисларнинг ҳаракатчанлигини ошириш каби жиҳатлар билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни, она тилимизнинг барча ихлосмандларини бугунги улғу айём — Ўзбек тили байрами ҳамда Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод етказаман.

Маълумки, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойлиқдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синобли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Бугунги кунда юртимизда давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд таъши ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш учун Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилган тегишли ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмоқда.

Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий

этилиб, қисқа вақт ичида 3 мингдан зиёд талабгорнинг қарийб 1 минг 500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификатлар берилди.

Давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп миң нусхаларда чоп этилди.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тилини рақамлаштириш борасида жиддий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “ақли” дастур ишлаб чиқилиб, “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг веб-сайти яратилди.

Айни пайтда ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш, уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш ва сўзларнинг луғавий маъносини кўрсатишга мўлжалланган электрон дастурлар ҳам амалиётда фол қўлланмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдоридан ортиқ устама ҳақ тўланиши она тилимиз фидойиларининг шарафли меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Барчамизга аёнки, бадий таржима тил тараққиётида улкан аҳамиятга эга. Яқинда мамлакатимизда бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Оғаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани ҳам, ишонамизки, ўзбек тили ва адабиётини янада бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ватанларвар ўғил-қизларимизнинг салоҳияти ёрдамида “Википедия” халқаро интернет энциклопедиясидаги ўзбекча маълумотлар ҳажми кескин кўпайиб, давлат тилида эълон қилинаётган мақолалар ҳажми бўйича Ўзбе-

кистон Марказий Осиё минтақасида етакчи мамлакатга айлангани эътиборлидир.

Ўтган даврда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган 33 мингдан ортиқ ходим ўқитилди. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган ватандошларимиз учун ушбу марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Шу ўринда бағрикенг диёримизда аҳлиноқ яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллариининг тили, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, республикамиз мактабларида таълим-тарбия жараёни 7 та тилда йўлга қўйилган бўлиб, 160 га яқин миллий маданий марказ ҳамда қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларидаги оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.

Марказий телерадиоканаллар орқали ўзбек тилини ўрганишга бағишланган кўрсатув ва эштитиришларнинг мунтазам бериб борилаётгани юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллариининг давлат тилини ўзлаштиришига катта ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.

Аввало, юксак тараққиёт этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бузган жамиятнинг, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарур. Бу борада ҳар қандай халқ учун ўта ҳассос ва таъсирчан бўлган тил масаласида ортиқча

эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмасдан, узокни ўйлаб, вазмиллик билан иш тутиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Зеро, давлат тили фақатгина соҳа мутахассисларининг эмас, балки кўп миллатли бутун халқимизнинг биргаликдаги сый-ҳаракатлари, ақл-заковати, маънавий-маърифий салоҳияти, ватанпарварлик фазилатлари билан раванк топади.

Мамлакатимизда қонунга ҳурмат ва итоат муҳитини таъминлаш, жумладан, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни ҳаётиимизга изчил татбиқ қилишда барчамиз юксак маданият ва ўзаро бир-бирини англаш туйғусини намойён этишимиз лозим.

Бў борада барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурларнинг сони ва эфир вақтларини кўпайтириш, мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни бугунги кулгў байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман. Ўзбек тилимизнинг бойлиги, куч-қудрати янада зиёда бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили 200 миллион туп дароҳт ва бута экиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга етди.

Бу йил баҳорда 138 миллион дона кўчат экилди. Йил бошидан буён 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, вазирилик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилди. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошди.

Жорий йилдан бошлаб йўл, дарё ва каналларга туташ 2 минг гектар ер 10 минг аҳоли ва тадбиркорларга экиш учун ижарага берилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида бюджетдан 49 миллиард сўм ажратибли, маҳалларда 215 та янги боғ яратилаяпти.

Бу сый-ҳаракатлар Табиати муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижро органи томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Лекин айрим жойларда шундай хайрли ишда сусткашликка йўл қўйилгани афсусланарли. Баъзи туманларда суғориш тизими йўқ ерга кўчат ўтказилган ёки кесилган дароҳтлар ўрнига янгилари экилмаган.

Йиғилишда ҳозирги мавсум ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар белгилан олindi.

Аввало, юртимиз иқлимга мос кўчатларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, Фанлар академияси, экология, қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, карантин тизимидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлири, In-vitro лабораториялари билан самарали ишланса, уруғ ва кўчат етиштиришдан 2-3 баробар кўп даромад топиш мумкин. Илм ҳам ривожланади.

Кейинги йил Нукус, Арнасай, Қорақўл ва Муборак туманларида сувсизлик ва шўрға чидамли галофит ўсимлигидан иборат 4 та боғ барпо қилинади. Шунингдек, Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразмнинг 250 минг гектар чўлида сув талаб этмайдиган саксовул, қандим, черкез уруғлари дрон билан экилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹⁰-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда ҳисоботларни ва статистика маълумотларини давлат органларига тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш орқали бизнесга нисбатан маъмурий юкни камайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларидан қонунчиликда назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни давлат органлари томонидан талаб қилиб олиш каби ҳуқуқбузарликларни қайта кўриб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатида киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун давлат органларининг ҳисоботларни талаб қилиб олиш борасидаги маъсулиятини оширишга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ЭЛЛИК ТЎҚҚИЗИНЧИ
ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси 2024 йил 23 октябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловдаги ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Биз биргаликда катта кучмиз!» ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг «Биз бирмиз, ўзбекистонликмиз!» сарлавҳали материаллари эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Халқимизнинг тарихи ва ўзлиги, руҳий-маънавий дунёсини акс эттирадиган тенгсиз бойлик

Мамлакатимизда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини кенг нишонланди

Эрта тонгданоқ пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, турли вазирилик ва идоралар, ташкилот мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар ўз иходи ва фаолияти орқали она тилимизни шохсупага кўтарган, унинг бор имконият ва жозибасини дунёга кўрсата билган Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами кунини муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Таъриқда таъкидланганидек, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойлиқдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синобли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша бе-

завол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учинчи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислохотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини эътибор билан белгилангани нафақат халқимизнинг гуруҳ-ифтихорини кўтарадиган тарихий воқеа, айни пайтда давлатимиз тил сиёсатида тамомила янги давр бошланганидан далолат беради.



Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни ҳаётиимиз қондасига айлантиришимиз лозим

Она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлуғи бўлиб, уни севмаган, англамаган инсон баркамол саналмайди. Биргина тил кўплаб халқларни ўзаро бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъана ва маданиятларини сақлайди, уларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Президентимиз раҳбарлигида давлат тилига муносабат янги-ланди. Қисқа даврда мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан,

давлатимиз раҳбарининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони томон маънаво ва ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқди.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Университетнинг имкониятларини кенгайтириш учун келгусида пойтахт-тимизнинг Юнусобод туманидаги ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстон-лиқ туманидаги собиқ коллежлар би-нолари таъмирланиб, кампусга ай-лантирилиши режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари маиший чикиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва махсу-лот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақ-димоти билан танишди.

Ўртимизда йилга 14 миллион тон-на чикиндилар ҳосил бўлади. Лекин уларнинг атиги 4-5 фоизи қайта иш-ланади. Чикинди полигонларидан 7 миллион тоннадан зиёд “иссиқхона газлари” атмосферага чиқади, 43 минг тонна захарли фильтратлар ер остига сингади.

Чикиндиларни қайта ишлаш орқа-ли ҳам унинг табиятга таъсирини ка-майтириш, ҳам фойда олиш мумкин. Шу мақсадда Экология, атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзга-ри-ши вазирлиги томонидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қарийб 1 миллиард 300 миллион долларлик инвестицияларни жалб этган ҳолда 8 та чикинди ёқиш заводи қуриш ҳамда Оҳангарон полигонида чикинди гazi-ни қайта ишлаш режалаштирилган.

Масалан, Хитойнинг “CAMC Engineering” компаниясининг 350 мил-лион доллар тўридан-тўри инвести-цияси ҳисобидан Андижон ва Тошкент вилоятларида 2 та завод барпо этила-ди. Уларда кунига 4 минг тонна чикин-ди қайта ишланиб, йилга 630 мил-лион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бу соҳага Хитойнинг бошқа бир компанияси — “Shanghai SUS Environment” ҳам қизиқиш билдирган. У 310 миллион доллар тўридан-тўри инвестиция киритиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 2 та завод қуришни режалаштирган. Уларда ку-нига 3 минг тонна чикинди қайта иш-ланиб, йилга 480 миллион киловатт-соат электр энергияси олинади.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Tadweer Group” компаниясининг 200 миллион доллар маблағи эвазига Бухоро ва Навоий вилоятлари учун битта завод қурилади. Унда кунига 1 минг 500 тонна чикинди қайта иш-лаш ва йилга 363 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати яратилиди.

Корея Республикасининг “Sejin” компанияси иштирокидаги лойиҳа ҳам жуда муҳим. Унга кура 55 миллион доллар эвазига Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги маиший чикин-ди полигонида ҳосил бўладиган газ-дан муқобил электр энергияси олиш йўлга қўйилади. Унинг қуввати 16 ме-гаватт бўлиши кўзда тутилган.

Умуман, лойиҳалар натижасида

Халқимизнинг тарихи ва ўзлиги, руҳий-маънавий дунёсини акс эттирадиган тенгсиз бойлик

◀ Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси ва бошқа нуфузли халқро тадбирларда ўзбек тилида нутқ сўзлаётгани она тилимизнинг халқро нуфузини янада юксалтирпти. Бу яқин-яқинларгача уй-рўзгор тили, расмий доираларда эса таржима тили бўлиб келган ўзбек тили бугун халқро мулоқот тили даражасига кўтарилаётгани ифодасидир.

Ўзбек тилининг макенини янада мустаҳкамлаш ва софлигини сақлаш бўйича кенг қўламли ишлар қилинпти. Жумладан, қўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, географик объектларнинг номи давлат реестрига киритилмоқда, ҳудудлардаги ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилпти.

Ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига эътибор қўнайтирилди. Хусусан, метёрий-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилган. Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилган.

Давлат тилини рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган изланишлар меваси ўлароқ ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаган ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “акли” дастури ишлаб чиқилган. “Ўзбек тили изохли луғати”нинг веб-сайти яратилгани бу борадаги ишлар замон билан ҳамоҳанглик касб этаяётганини кўрсатади.

Ўзбек тили ўқитувчилари, бадий таржима билан шуғулланидиган мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, “Википедия” халқро интернет энциклопедиясини ўзбекча маълумотлар билан бойитиш, она тилимизни ўрганиш истагидаги инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек тилининг жаҳон микёсидаги нуфузи ва жозибadorлигини янада оширишга ҳисса қўшади.

Байрам тадбирида ўзбек тилини ўз она тилидек ўрганган юртдошларимиз ўз фаҳр-ифтихор туйғуларини изхор этди. Ватанимизда таҳсил олаётган чет эллик талабаларнинг ўзбек тилидаги фикр-мулоҳазалари кечага кўтарилганили бахш этди.

— Спорт мусобақалари якунида доим мадҳиями садолари янграйди, — дейди ёзги Олимпияги йўнларининг кумуш медалъ соҳибаси Светлана Осипова. — Унинг сўзлари эса қалбларимизда жаранг сочади. Шу маънода давлат тили бизни доим тўлқунлантириб, юксак марраларга руҳлантириб туради. Она тилимизнинг жозибасини намоян этган гўзал шешлар, санъаткорларнинг соҳир кўп ўшқиллари, дилрабо рақслар йигилганларга байрамона кайфият улашди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ўтказилаётган маърифий лойиҳалар, адабий тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод ҚАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Баҳор мавсумидан ўрмон ҳўжаликлари-да соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилга 1,5 минг тонна уруғ тайёр-ланади. Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизи контейнер ва In-vitro усулида 2 миллион кўчат олиш йўлга қўйилади. Маҳмуд Мирзаев номидаги институтнинг Са-марқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғона во-дийсидаги ерларида йилга 10 миллион дона мевали нихол етиштирилади.

Кўчат экиш ишларини ҳам ушқоқлик билан ташкил этиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Бунда катта куч маҳаллаларда. Яшиллик, ободлик ҳам, аввало, одамларнинг ўзига керак. Шу боис “маҳалла еттиллиги” вакил-лари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан жами 6 миллион дона манзарали дарахт ўстиради. Шунингдек, бошқа кўча-лар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида 3 миллион туп кўчат экилади. Уму-ман, маҳаллаларда 20 миллион дона ман-зарали ва мевали дарахт экса бўлади.

Ўрмон ҳўжалиги агентлигига барча ма-ҳаллаларда ярмарка ташкил қилиб, 30 мил-лионта кўчат етказиб бериш вазифаси

қўйилди. 20 мингдан зиёд таълим маскан-лари ва шиfoxоналар ҳудудида 2,5 милли-онга, ёшларга бўлиб берилган 60 минг гек-тар ерда 1,5 миллионта дарахт экиш мум-кинлиги айтилди.

Ҳокимликлар ва вазирликлар томонидан кўзда 40 миллион туп кўчат экилиши режа-лаштирилган.

Хусусан, 13 та халқро автомобиль йўли бўйида 9 миллион туп кўчат экилади. Яна 2 минг километр йўллар ёқаси шу мақсад-да 10 минг фуқаро ва тадбиркорларга бўлиб берилади. Тошкент — Самарқанд ва Самар-қанд — Қарши темир йўли бўйларига ҳам кўчат ўтказилади. Дала четларида 21 мил-лион туп терак, тут ва узум етиштирилади.

Мудофаа вазирлиги 200 минг туп, Ички ишлар, Миллий гардия ва Фавқулодда ва-зиятлар вазирлиги тизимларининг ҳар бири 100 минг тупдан кўчат экишга масъул бўла-ди. Чикинди полигонлари атрофида “яшил белбос” барпо этилади.

Қайд этилганидек, кейинги йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси учун 100 мил-лиард сўм ажратилади. Эндиликда дарахт-ларни 3 йил парваришлаш, касалликдан сақ-лаш, суғориш харажатлари ҳам инвестиция дастурига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹⁰-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХI-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Махлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104,

105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530,

ни ривожлантириш қўмитасига ўтказилиши белгиланди. Қўмитага қўлларни дeгpадация-дан чиқариш бўйича уч йиллик дастур тайёрлаш вазифаси топширилди. Келгуси йил-да бу мақсадлар учун дастлаб 50 миллион доллар грант маблағлари жалб қилинади.

Соҳага тааллуқли яна бир муаммо — қўл ўсимликлари қопламаси йўқолиб кетаётга-нидир. Шу сабабли мутасаддиларга Бухо-ро ва Навоий вилоятларининг қўл ва шарулла-нади ҳамда чўлларда тажриба-синов майдончаси ташкил қилиб, дeгpадацияга уч-раган яиловларни қайта тикловчи ўсимлик-ларни етиштириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш масалалари-га ҳам тўхталиб ўтди. Аҳолини жисмоний соғломлаштириш, спорт, юриш ва тўғри ов-қатлашиш бўйича янги ёндашувларни жо-рий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Йигилмишда муҳокама қилинган масала-лар бўйича мутасаддиларнинг ахборот ва режалари эшитилди.

Ў.А.

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАРДА ҚАТНАШДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш ва экология қўмитаси раиси Борий Алихонov бошчилигидаги делегациямиз Санкт-Петербург шаҳрида МДХ Парламентларо Ассамблеяси томонидан ўтказилган иқлим ўзгаришига мослашиш масалаларига бағишланган семинарда қатнашди.

Ҳамкорлик

Мазкур анжуман МДХ ПА ҳузуридаги Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича эксперт кенгашининг махлиси доирасида ўтказилди. Унда миллий парламентлар, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият орган-лари, вазирликлар, МДХ Ижроия қўмитаси вакиллари, шунингдек, Ҳамдулҳисн мамлакатлари, халқро ташки-лотлар, таълим ва илмий муассасалардан тақлиф этил-ган экспертлар иштирок этди.

Семинар давомида сенатор Б. Алихонov Ўзбекис-тонда иқлим ўзгаришига мослашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва қўрилаётган чора-тадбирлар

хусусида атрофлича маълумот берди. Айни чоғда у Марказий Осиёда иқлим ўзгариши интенсивлигини ба-ҳолаш бўйича қўмита экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методология билан таништирди.

Сенатор, шунингдек, қўмита экспертлари томонидан иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича мавжуд усуллари танқидий кўриб чиқили, минтақда унинг интенсивлиги-ни баҳолаш назарияси ва формуласи ишлаб чиқилган-лигини ургўлади.

Тадбирнинг “Иқлим ўзгаришининг экотизимларга таъ-сири” ҳамда “Халқро ҳамкорлик ва иқлим ўзгаришига мослашишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари” мав-зуларига бағишланган секция мажлисларида экотизим-лар мослашувининг долзарб масалалари ва халқро ҳам-корлиқни фoаллаштириш зарурати ҳамда МДХ давлат-ларининг бу борадаги қўнунчилигини тақомиллаштириш масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

Якунда парламентлар, ҳукуматлар, халқро ва мил-лий ташкилотлар учун тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, КОНЦЕРТ-ТОМОША ТАДБИРЛАРИДА ФОНОГРАММАДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА МУСИҚИ ВА БОШҚА АСАРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ АНИҚЛАШТИРИШНИ НАЗАРДА ТУТУВИ ҲАҚИДА

ривожлантириш йўналишидаги ва-колатларини, шунингдек, концерт-томоша тадбирларида фонограмма-дан фойдаланган ҳолда муסיқий ва бошқа асарларни ижро этиш усул-ларини аниқлаштиришни назарда ту-туви ҲАҚИДА ва қўшимчалар ки-ритилмоқда.

Шу билан бирга, “Истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Реклама тўғриси-да”ги қонунларга концерт-томоша тадбирларида фонограммдан фой-

даланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартиби белгиланпти.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасининг расмий веб-сайтига ҳам joy-лаштирилган. Муҳокамалар давомида келиб тушган барча тақлиф масъул қўмита томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, уларнинг айримлари лойиҳада акс эттирилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томони-дан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

лар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вакола-ти белгиланпти.

Маданият вазирлигига бундай ваколат-нинг берилиши санъаткор, ижодкор ҳамда ижрочиларнинг давлат органлари ва та-шкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ихара тўловидан чегир-малар бериш ёки уларнинг концерт дас-турларини ташкиллаштиришда имтиёзлар бериш ва бошқа шу каби рағбатлантириш чораларини амалга ошириш имконини яратди.

Умуман олганда, жонли ижрони рағбат-лантириш бўйича чора-тадбирларнинг рубёбга қилирилиши, ўз навбатида, мамла-катда ёш ва иктидорли ижрочиларни аниқ-лаш ва қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватан-парварлик ҳамда миллий мустақиллик гоълари руҳида тарбиялашга ҳисса қўша-диган муסיқа асарлари яратишга ҳизмат қилади.

«Халқ сўзи».

БИЗ БИРГАЛИКДА КАТТА КУЧМИЗ!



O'ZLiDeP томонидан сайловлар арафасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида бу даъват қайта-қайта янграмоқда. Электорат вакиллари мазкур шиор замирида тараққиётни тезлаштирувчи омилларни тўлиқ қамраб олган маъно-мазмун мужассамлигини тобора теранроқ англашяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кунига жуда оз муддат қолди. Партияларнинг ташвиқотлари ҳам шу кунларда қизгин паллага кирди. Хўш, **1 млн. 600 мингдан** зиёд аъзолари бўлган O'zLiDePнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қандай кечмоқда? Электорат вакилларининг 46 фоизини аёллар, 48 фоизини ёшлар ташкил қиладиган либерал-демократлар сайловчилар ишончини қозониш учун қандай ташаббусларни илгари сурмоқда ва қандай янги усуллардан фойдаланмоқда?

Куйида ана шу саволларга жавоб бўладиган саъй-ҳаракатларга ҳолисона назар ташлаймиз.

Ўз ғоя ва дастурларини аҳоли орасида кенг ёйиш мақсадида O'zLiDeP бу галги сайловларга ҳам ҳар доимгидек янги услубларда ёндашмоқда. Танланган стратегия доира-сида одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уйма-уй юриб, миллионлаб фуқаролар билан мулоқот қилиш, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказиш осон иш эмас.

Шу кунгача фаоллар ва волонтерлар гуруҳи **икки миллиондан ортиқ хонадонларга** кириб-чиқишга улгуришди. Шунингдек, велосипед ва махсус овоз кучайтиригичлар (рупер) ёрдамида партиянинг асосий мақсад ва ғоялари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, O'zLiDeP партиялараро дебатларда ҳам дадил қатнашяпти. Сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ташкилот ва идоралардаги мулоқотлари ҳам жонли тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, O'zLiDeP бу галги сайловлар кампаниясида кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда оммавий тадбирларни ҳамда асосий электорат қатлами вакиллари билан учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

Очиқ осмон остидаги очиқ мулоқотлар

Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройи майдонида **“Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамли”** шиори остида уюштирилган оммавий тарғибот тадбири хусусида ижтимоий тармоқда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

Боиси шундаки, ёмғирли об-ҳаво бўлишига қарамай икки мингдан зиёд сайловчилар — тадбиркор фермерлар, таълим ва тиббиёт соҳалари ходимлари, маданият ва санъат тизими вакиллари партия тақлифларини диққат билан тинглашди.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги “Дўстлик боғи”да ташкил этилган тарғибот тадбири сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот шаклида, юқори кайфиятда ташкил этилди.

Очиқ осмон остидаги оммавий тадбирларда таъкидланганидек, партия **ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга**, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадини эса **4 минг долларга** етказиш, **тадбиркорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур қораларни кўради. Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқитиш қўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камиди **1 миллион фуқарога касб ўргатиш**, барча туман ва шаҳарларда мономарказларни очиш, мактаб битирувчиларига давлат томонидан **камида бир касбни эгаллашга** кўмаклашувчи тизим жорий этиш каби масалалар ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

O'zLiDeP мамлакатимиздаги барча соҳанинг бирдек ривожланишидан манфаатдор. Бу эзгу мақсадлар йўлида ҳамма куч ва имкониятлар сафарбар этилади.



Сунъий интеллект ва нанотехнологиялар

Виртуал макон ҳаётимиздан мустақкам ўрин олгани бу-гун ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда каттага кичик рақамли технологиялар ва мобиль иловалардан фойдаланишни би-лади. Электрон қулайликлар қўлами тобора кенгайиб бо-раётгани ҳам рост.

O'zLiDeP мутасаддиларининг Самарқанд вилоятида жой-лашган “Ургут иқтисодий зонаси”да йирик компания раҳ-барлари, инвесторлар билан ўтказилган учрашувда айна мавзуда сўз юритилгани электоратнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Рақамли технологияга ихтисослаштирилган корхоналар экспорт фаолиятини жадаллаштириш, **“Чип саноти”**, **сунъий интеллект**, **нанотехнологиялар** каби илгор тар-моқларни ривожлантириш партиянинг келгуси беш йиллик-да энг устувор вазифасига айланди. Шунингдек, саноятда таннархни камайтириш, махсус саноят зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга бериш, **автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилга 1 миллион донага етказиш** чоралари кўрилади. Ўзбекистонни минта-кавий **“тўқимачилик хаби”**га айлантириш учун соҳадаги тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида ИТ соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада

хизматлар экспортини ошириш учун **“мактаб — олийгоҳ — ИТ компанияси”**дан иборат яхлит “ИТ таълим” ва хизматлар занжирини яратилади.

Тошкент вилоятидаги “Astrum” ИТ академиясида ИТ мута-хассислар, маркетинг соҳаси вакиллари, ёшлар билан ўтка-зилган O'zLiDePнинг сайловолди ташвиқоти Ургутдаги қизи-қарли суҳбатнинг тадрижи давоми бўлди, десак, янглиш-маган бўламиз.

Сайловолди учрашувда партия ёшлар бандлиги ва ишби-лармонлиги, хусусан, ишсиз ёшларни **замонавий касбларга ўқитиш** тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш, корхоналар буюртмаси асосида **касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилиш** тарафдори экани қайд этилди.



Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда **“Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”**нинг ташкил этилиши ва мазкур марказлар ёшлар учун чинакам **“лойихалар фаб-рикаси”**га айланиши маълум қилинди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурлари

Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” ва Наманган вилоятининг Давлатобод туман-идаги “Кўк сарой” корхоналарида уюштирилган сайловол-ди тарғибот тадбирларида ҳам партия электоратнинг асосий қатламини ташкил этувчи тадбиркорлар, ишбилар-монлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда аграр соҳа ходимлари фаол қатнашди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **маҳаллабай дастурларини** ишлаб чиқиш партия олдида турган энг му-ҳим мақсадлардан бири экани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, **оилавий тадбиркорлик** дастурлари доираси-да имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили **30 фоизга оши-риб бориш**, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатланти-риш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъмин-лаб келаётган тадбиркорларга **мол-мулк ва ер солигиндан имтиёзлар** бериш ҳам O'zLiDePнинг сайловолди тақлиф-лари сирасига киради.

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратиш, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбала-рини кенгайтириш, жумладан, хусусий бандлик агентликла-ри тизимини ривожлантириш масалалари электорат ман-фаатларини ҳимоялашда зарур қадам бўлади.

Маънавий-маърифий соҳалар ҳам доимий эътиборимизда бўлади

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги “Китоблар олами” марказида ёзувчи ва шоирлар, китоб наشري ва босма со-ҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар, китобхон ёшлар вакиллари билан партия номзодларининг учрашуви ҳам са-мимий руҳда кечди.

Учрашувда O'zLiDeP тадбиркор ва ишбилармонлар ман-фаатларини ҳимоя қиладиган энг йирик сиёсий куч сифати-да хусусий сектордаги **нашриётлар фаолиятини янада ривожлантиришга** алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтил-ди. Жумладан, бизнес юристишни янада соддалаштириш, **1000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш**, **лицензиялар сонини икки бараварга камайтириш**, ли-цензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этиш партиянинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидандир. Шунингдек, **солиқ мазмунчи-лиги тизимини соддалаштириш**, барча тадбиркорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш каби вазифалар ҳам матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг манфаатларига хизмат қилади.

* * *

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани “Ҳазорасп” эр-кин иқтисодий зонаси ва “Uzavtomotors” акциядорлик жа-миятида бўлиб ўтган учрашувларда партиянинг иқтисодий йўналишдаги мақсад ва вазифалари, Андижон давлат тиб-биёт институтида эса шифокорлар ва ёш мутахассислар билан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид тақлиф ҳамда ташаббуслари ҳақида сўз юритилди.

Умуман олганда, учрашувларда партия Сайловолди дас-туридаги устувор йўналишлар, мақсад ва ғоялар халқчил, оддий, содда тилда етказилляпти. Сайловчилар партия ғояла-ри ва ташаббусларига илқ муносабатларини билдириб, сайловларда партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувват-лашларини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти йўлидаги бу му-ҳим паллада Сиз, азиз сайловчилар қабул қиладиган қарор-лар келажагимизни белгилайди. O'zLiDeP ўзининг адолатли ва фаровон жамиятини қуриш, иқтисодий ўсишни таъмин-лаш ва ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигини амалда исботлаган.

Биргаликда кучмиз! Бизни қўллаб-қувватланг ва ис-лохотларнинг бардавомлиги учун O'zLiDeP ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Матбуот хизмати.

«БИЗ БИРМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ!»



Одимлаётган ҳар бир кун биз-ни 27 октябрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда ма-ҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловларга яқинлаш-тирмоқда. Бу жараёнда “Қадри-ятларга таянган тараққиёт” шио-

рига амал қилаётган “Миллий тик-ланиш” демократик партияси ҳам парламент ва маҳаллий Кенгаш-ларда энг кўп ўринларни эгаллаш учун курашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, партия то-монидан ташкил қилинаётган

тарғибот-ташвиқот тадбирларида барча номзодлар фаол иштирок этиб, партия ва ўзларининг сай-ловолди дастурларини кенг тар-ғиб қилмоқда. Айниқса, бундай тадбирларда нафақат электорат, балки партия ғоя ва мақсадлари-га хайрихоҳ бўлган кенг жамоат-чилик вакиллари иштирок этмоқда.

Жумладан, шу кунгача партия-нинг 38 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, улар-да қарийб 1 миллион 500 мингга яқин сайловчилар қатнашди.

«Миллий тикланиш» нима учун «Қадриятларга таянган тараққиёт» ғоясини илгари сурмоқда?

Жиззах шаҳридаги Мустақиллик май-донидида ўтказилган оммавий тарғибот тадбирида партия томонидан “Қадрият-ларга таянган тараққиёт” ғояси бежиз илгари сурилмаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда бутун дунёда тараққиёт-га эришиш ва фаровон жамият барпо этиш масаласи ақсарият давлатларининг кун тар-тибидида асосий масалага айланди. Бироқ шунинг тан олиш керакки, иқтисодий фаро-вонлик ўз-ўзидан жамият бахти ва барқа-рорлигини таъминлай олмайди. Инсонлар-нинг ҳаётида маънавий мезонлар ва қад-риятларнинг аҳамияти ҳам катта ўрин ту-

тади. Айниқса, кўп асрлик анъаналар ва миллатимизнинг маънавий мероси халқи-мизнинг келажаги учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Гулчехра Рихсиева дастурда бугун за-монамизнинг долзарб масаласига ай-ланган тарбия ва таълим соҳасини ри-вожлантиришга, бу борада мавжуд бўлган муаммо ҳамда камчиликларни ҳал қилиш бўйича илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар ҳақида фикр билдирди.

Улар орасида энг муҳими “Янги ав-лод педагогларини тайёрлаш давлат дастури”ни қабул қилиш ташаббусидир. Чунки сўнгги йилларда ушбу дастурнинг кераклигини ҳар куни ҳис қиляпмиз. Бу-гун фарзандларимиз, умуман, янгича даврда яшаяпти ва педагогларимиз ҳам келажагимиз эгаларига мос бўлиши ло-зим. Шу боис янги авлод педагоглари-ни тайёрлаш ва ўқитувчилик касби жо-зибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ама-лиётга жорий қилишга биринчи дара-жали вазифа ўлароқ қараш зарур.

Гулчехра РИХСИЕВА:

— Шундан келиб чиқиб, барчангиздан ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, фарзандларимизнинг келажагини ўйлаган барча юртдошларимизни 27 октябрда бўладиган сай-ловларда “Миллий тикланиш” ва унинг номзодларига овоз беришга чақираман.



Партияимизнинг ҳаётий ташаббуслари — тараққиёт одимларимизга мустақкам пойдевор

“Биз бирмиз, ўзбекистонликмиз!” шиори остида Бухоро шаҳрида навбат-даги оммавий тадбир учун катта тайёр-гарлик кўрилди. Маълумки, бир неча минг йиллик тарихга эга азим шаҳар аҳли ҳайратлар ичида яшайди, 200 дан ортиқ қадимий обидалар, осориятика-лари билан бутун дунёни лол қолдириб келаётган воҳа аҳли партия ташаббус

ва ғояларини олқишлар билан қутиб олди. Уч мингга яқин сайловчилар иштирок эт-ган тадбирда номзодлар сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини тушунти-ришди ва барчани сайловларда фаол иштирок этишга ҳамда “Миллий тикла-ниш” партияси ва унинг номзодларига овоз беришга чақирди.

Оммавий тадбирда партия Марказий

Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА:

— Бир донишманд агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, қизингни ўқитсанг, бутун жамиятни ўқитган бўласан, деган экан. Аммо айрим талаба оналар боласига қаровчи йўқлиги сабаб ўқилиши давом эттира олмаяп-ти. Шундан келиб чиқиб, партияимиз дастурида талаба оналарнинг фарзандлари учун олий таъ-лим муассасаларида махсус болалар хоналари ёки боғчалар ташкил этиш тақлифи илгари сурилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Жонғир ШИРИНОВ:

— Партия томонидан давлат бошқаруви ҳамда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими бўйича ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилган. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг корруп-цияга қарши курашишдаги ролини ошириш за-рур. Токи улар фақат бу иллатга қарши тарғи-бот билан чекланиб қолмай, коррупцион ҳолат-ларни, керак бўлса, давлат органларидан ҳам олдинроқ таҳлил қилиш ва фош этишга қодир бўлсинлар.

Хунармандлар тадбиркор эмас, қадриятлар ташувчисидир

Шаҳрихон туманидаги хунарманд-лар марказида электорат вакиллари билан ўтказилган учрашув ҳам сер-мазмун кечди. Халқ амалий санъати намуналарини яратётган уста хунар-мандлар, халқ оғзаси иходини давом эттириб келаётган санъат вакиллари билан учрашув қизгин савол-жавоб-ларга бой бўлди. Партия Сайловол-ди дастурида қадриятларимизни бо-

рича асрашга, авлоддан-авлодга ўти-шига хизмат қилаётган уста-хунар-мандлар фаолияти билан боғлиқ та-шаббус ҳам илгари сурилган. Жум-ладан, соҳа вакиллари дастуридаги “Хунармандчилик фаолияти тўғриси-да”ги Қонуни қабул қилиш тақлифи-ни қўллаб-қувватладилар.

Партия ёш авлоднинг хунарманд-чилик ва халқ амалий санъатига

уларнинг фаолияти оммалашishi учун имконият яратилса, ёшларимизнинг қизиқишлари янада ошарди. Соҳа ривожига имконият яратиш орқали иқтисодиёт ва туризмин ривож-лантирамиз, ҳам қадриятларимизни давом эттирамиз. Мен партиянинг фаолиятимиз билан боғлиқ тақлифларини қўллаб-қувватлайман.

Мақсадимиз биргаликда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган — янги Ўзбекистон-ни барпо этиш. Бугун барчамиз халқни рози қилиш, келажақда эмас, одамларга бугун қулай шароитлар яратиш мақсадига айлانган кунлар-да яшаяпмиз. Бош мақсадимиз “Қуд-ратли давлатга таянган, қонунлар

миллий ва умуминсоний қадриятлар-га уйғун, инсон қадри баланд, фаро-вон жамият қуриш”дир.

Шубҳасиз, бу галги сайловлар ҳар доимгидан-да кучли рақобат муҳитида ўтмоқда. Бу йўлда сал-моқли натижаларга эришиб, парламент ва маҳаллий Кенгашлар-да энг кўп ўринларни эгаллаш —

партиянинг энг асосий мақсади. Албатта, бунда Сиз, сайловчилар-нинг овози биз учун муҳим. 27 октябр-да ўтадиган сайловларда “Миллий тик-ланиш” партияси ва унинг номзодла-рига овоз беринг!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш»
демократик партияси
Матбуот хизмати.

O'zLiDeP VA UNING DEPUTATLIKKA KЎRSATGAN NOMZODLARIGA OVOZ BERING!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ VA UNING NOMZODLARIGA OVOZ BERING!

